

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 13-fevral, chorshanba № 12 (15650)

14-fevral — Zahiriddin Muhammad Bobur tavallud topgan kun

## Сўзимни ўқиб англағайсен ўзумни

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш, асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаларидан бири Захриддин Муҳаммад Бобур шеърини ҳам неча асрдан бери барҳаёт яшаб келаётган ана шундай маънавий хазиналардан биридир. Бобур газаллари асосида яратилган кўшиқлар санъатимиз ва тафаккуримизни бойитишга хизмат қилмоқда. «Бобурнома» эса ўз даврининг қомусий манзараларини акс эттирган ноёб ёзма обидадир.

— Бобур нафақат буюк шоир, балки ўз даврининг тарихчиси, этнографи, ўлкашуноси, географ ва диншуноси сифатида ҳам маълум ва машҳурдир, — дейди Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти профессори, филологий фанлари доктори Ҳасан Қудратиллаев. — У давлатчиликда вақт меъёрларини қайта ишлаб чиққан, почта тизимига тартиб берган ва жамият учун бошқа фойдали кўплаб ислохотларни амалга оширган буюк шахсдир.

Бобурнинг сермазмун ҳаёти ва ижодини ўрганиш узок замонлардан бери дунё олимлари эътиборини ўзига жалб этиб келади. Бундан қарийб уч аср муқаддам, яъни 1697 йилда француз шарқшуноси Бартоламе Эрбало Моленли «Шарқ кутубхонаси» қомусида Бобур тўғрисида илк бор француз китобхонларига маълумот берган эди.

1705 йилда «Бобурнома» голланд тилига таржима қилинган. 1871 йил бобуршунос Павле де Куртье томонидан француз тилига ўгирилган «Бобурнома» илм аҳлига манзур бўлди. Чунки бу таржима асл нусхасидан таржима қилинган ва мукамаллиги жиҳатидан бошқа манбалардан ажралиб турарди.

Бобуршуносликни ривожлантиришга инглиз шарқшунослари ҳам катта улуш қўшган. Инглиз олимларининг бу йўналишдаги изланишлари туфайли 1826 йилда «Бобурнома»нинг Европадаги биринчи тўлиқ таржимаси дунё юзини кўрди. Инглиз олими Ф.Тэлбот «Бобурнома»нинг биринчи инглизча таржимаси асосида қисқартирилган нашрини чоп эттирди. Олим мазкур нашрга ёзган сўзбошида «Бобурнома»нинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: «Ҳиндистонни ўрганмоқчи бўлган одам ишни, энг яхшиси, Бобур хотираларини ўрга-

нишдан бошлагани маъқул».

Бобур меросини ўрганишга бугунги кунда ҳам эътибор ва қизиқиш ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда бобуршунослик соҳасида амалга оширилган ишлар қаторида «Бобурнома»нинг хитой ва турк тилларида нашр этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бобокалонимизга жаҳон миқёсида қаратилаётган бундай юксак эътибор бизга катта фахр-ифтихор, ғурур бағишлайди. Мустақиллик туфайли биз ана шундай улғусиймоларимизнинг ҳаёти ва ижодини асл ҳолича ўрганиш, дунё олимлари билан бу борада ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлдик. Истиклолнинг дастлабки йилларида бу соҳадаги ишларни изчил ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда Бобур номидаги халқаро жамғарма тузилгани ўз самаларини бераётир.

Мазкур жамғарма мутахассисларининг хорижий мамлакатларга уюштирилган илмий экспедициялари натижасида жамғарма ҳузурдаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида уч юзга яқин нодир қўлёзма асарлар тўпланди. Улар орасида «Бобурнома»нинг испан тилидаги таржимаси, Ҳайдаробод нусхасининг факсимиле нашри алоҳида ўрин тутди.

Жаҳон маданияти ва тараққиётига катта ҳисса қўшган бобурийлар сулоласи ҳақида ҳам ўнлаб илмий ва бадиий асарлар яратилган. Ана шундай асарларнинг энг сара намуналари билан жамоатчиликни таништириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Бобурнинг қизи Гулбаданбегим ҳақида инглиз адабаси Румер Годен ёзган «Гулбадан» асарининг ўзбек тилидаги таржимаси ўқувчиларга тақдим этилди. «Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси», «Бобурнинг адабий-эстетик олами» каби бир қатор монографиялар яратилди.

Бобур ҳаётида оғир синовли ва қувончли кунлар кўп бўлган. Шоир ҳар қандай шароитда ҳам иймон юксаклигига, руҳиятининг баркамоллигига, қалбидаги дилбар ҳис-туйғуларига доғ туширмай яшаган. Унинг ана шундай бой ички дунёси шеърларида гўзал ташбеҳлар орқали, юксак бадиий шаклларда ўз ифодасини топган.

Шоир «Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзимни, сўзимни ўқиб англағайсен ўзумни» деганида келажак авлодларни ўз асарларида талқин этилган бетакрор ифодаларни теран англашга ва инсониятнинг эзгу орзу-умидларининг муносиб давомчилари бўлишга ундайди.

**ЎЗА мухбири  
Баҳор ХИДИРОВА  
ёзиб олди.**



Ogohlik

## Маънавий барқарорлик кушандаси

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «Ноисломий конфессиялар ва миссионерлик» мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, Республика Ички ишлар вазирлиги ходимлари ва институт профессор-ўқитувчилари ҳамда бир гуруҳ талаба-ёшлар иштирок этди.

Дастлаб ёшларга «Риёкорлик» фильми намойиш этилди. Бизга маълумки, бугун миссионерликнинг тарғибот усуллари ва воситалари, бу ташкилотларнинг молиявий манбалари жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлмоқда. Мустақилликнинг илк йилларидан 2005 йилларгача бўлган даврда республикамизнинг айрим вилоятларида фаолият юритган миссионерлик ташкилотлари, уларнинг таъсирига тушиб қолган кишиларнинг келгуси ҳаёти бу фильмда акс эттирилган. Шунингдек, тадбирда институт жамоаси ўртасида ислом маданиятининг эзгу ғояларини тарғиб қилиш, уларни миссионерликнинг турли таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида мутахассислар томонидан тушунча берилди.

— Ўтказилаётган бундай тадбирлардан асосий мақсад ёшларимиз ўртасида ислом маданиятининг эзгу ғояларини тарғиб қилиш, уларни ёмон иллат ҳисобланмиш миссионерликнинг турли таъсирларидан ҳимоя қилишдан иборат, — дейди Республика Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси масъул ходими Нуриймон Абулҳасан. — Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари, юртимизда фаолият юритаётган диний ташкилотлар, уларнинг ҳуқуқий жиҳатлари кенг тарғиб қилинмоқда. Бундан ташқари, маънавий таҳдид шаклларида бири бўлган миссионерлик ва прозелитизмнинг вужудга келиши, ривожланиш тарихи, Ўзбекистон ва Марка-

зий Осиёда фаолият олиб бораётган миссионерлик гуруҳлари тўғрисида маълумотлар бор. Бу маълумотлардан ёшларимизни мунтазам хабардор қилиш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш замон талабидир.

Жамият тараққиётида ижтимоий барқарорлик муҳим ўрин тутди, жамиятнинг иқтисодий раванги ҳам кўп жиҳатдан ижтимоий барқарорликка боғлиқ. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида маънавий барқарорлигимизга раҳна солувчи кучлар пайдо бўлди. Улар ота-боболаримиз минг йиллар давомида эътиқод қилиб келаётган ислом дини қадриятларини камситишга, эътиқоди ҳали мустаҳкам бўлмаган ёшларни, билими ва тасавури саёз фуқароларни бегона диний секталарга чорлашга уриндилар. Баъзи ёшларимиз уларнинг алдовларига осонгина учиб, анъанавий диний эътиқодларидан ўзлари билган ва билмаган ҳолда воз кечдилар.

(Давоми 3-бетда)



## Hududlardan mujdalar

СУРХОНДАРЕ

**Шеробод туманидаги 2-мактабда «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўриктанловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Танлов «Камолот» ЁИХ Шеробод тумани кенгаши ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида ўтказилди.**

Унда ҳудудий босқичда голиб бўлган 6-мактабнинг «Амир Темура», 40-мактабнинг «Жануб ниҳоллари», 8-мактабнинг «Термизийлар», 27-мактабнинг «Термизий издошлари», 21-мактабнинг «Амир Темура издошлари», 47-мактабнинг «Камалак», 32-мактабнинг «Зарабоғ» ҳамда 6-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг «Амир Темура» жамоалари тўртта шарт бўйича беллашди.

Танлов сўнгида «Зарабоғ» ва 6-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг «Амир Темура» жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланма олди. «Жануб ниҳоллари» жамоаси иккинчи ўринни, «Термизий издошлари» жамоаси эса учинчи ўринни қўлга киритиб, Ҳаракатнинг Шеробод тумани кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

СИРДАРЕ

**Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун, аввало, бизнес гоёга эга бўлиш керак. Бизнес гоё асосида бизнес режа тузилади. Шундан сўнг тузилган режа ёрдамида бирор фаолият тури бўйича амалий иш бошланади.**

Бу ҳақда коллеж битирувчиларини хабардор этиш, улар орасида тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги бўлган ёшларга кўрсатма бериш мақсадида Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида тумандаги коллеж битирувчилари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинарда Ҳаракатнинг туман кенгаши мутахассислари, вилоят кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координатори Ж.Эгамбердиев ва коллеж битирувчилари қатнашди. Уларга мутахассислар томонидан бизнес гоё ва мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритишда ёшларга берилаётган имкониятлар, «Менинг бизнес гоём» кўриктанлови ҳамда ушбу лойиҳанинг амалга татиқ этилиши борасида «Камолот» ЁИХнинг аҳамияти ҳақида тушунчалар берилди.

Семинар давомида тадбиркорликни бошламоқчи бўлган битирувчилар саволларига жавоб олишди.

# Йигитнинг сўзи — қасам...

... Бугун Нодир аканинг уйи гавжум: қариндош-уруғ, кўни-кўшидан тортиб таниш-билишлар, ёш-яланлар бу хонадонга оқиб келишяпти. Буни биров: «Тўй бўляпти», деса, бошқаси, «Тинчликмикан, маърака шекилли», дейди гашланиб, яна биров туғилган кунга йўяди, ишқилиб, ҳамма ҳар хил мулоҳазалайди. Аслида, бу хонадонда армияга кузатув бўлаётганди...

Содиқжон эрта тонгда онасининг қабрига йўл олди. Қалби энтиқишларга лиммолим: бу соғина-соғина волидасининг қабрини бўлса-да зиёрат этиш ҳисси бўлса, кейингиси муддатли ҳарбий хизматга — Ватан ҳимоясига отланаётганидан чексиз ҳаяжонда эди. Йигит онасининг қабрига тиз чўкди:

— Отажоним, яна ҳузурингизга келдим, — пичирлади у. — Эрта-индин аскарлик либосини кияман. Юрагимга юртга садоқат, элга меҳр ҳиссини жо қилиб, ўз бурчимни ўташга киришаман. Сизнинг берган оқ сўтингизни, фақат мен ҳали тўйиб улгурмаган, беқиёс меҳрингизни оқлаш учун бор кучимни сарфлайман. Онажон, мени аскарлик либосида кўришни жуда орзу қилардингиз, мен ҳам сизга аскарлик мактубларини тез-тез йўллаб туришни ният қилгандим. Ҳаёт экан, йўқотишлар ҳам бор экан... Опаларимга хат ёзиб турман, шарафли бурчимни аъло даражада ўтайман, онажон! Хайр, мен яна сизнинг ҳузурингизга, оиламиз бағрига қайтаман!

Содиқжон кўз ёшларини артиб, қабристондан чиқди-ю, ўрта мактабда таълим берган биринчи муаллимини йўқлади. Кейин уруш фахрийси Алимқул бобонинг хонадонига ўтди, дуосини олди. Бўлажак аскар уйига келганида

ҳали айтганимиздек уни кузатишга келганлар билан ҳовли тўла эди. Кўпни кўрганлар дуога қўл очди:

— Ой бориб, омон қайт, болажон! Яқинларинг, маҳалланг шаънини асра, бурчингни ёруғ юз билан ўтаб қайт. Кўпнинг қаторида бошинг омон бўлсин!

Содиқжонни иссиқ чехралар, таниш нигоҳлар, илиқ сўзлар ва тилаклар билан нурли манзилга кузатиб қолдилар.

\*\*\*

... Аскар қасамёд қилди! Аслида, чин йигитнинг ҳар сўзи — қасам. Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмайди: она ва Ватаннинг баҳоси беулчов, меҳри беқиёс, шаъни, қадри бебаҳо! Зеро, мардлар кўриқлайди она-Ватанни!

### ОҚ ЙЎЛ, ЎҒЛОНЛАР!

Ҳа, бугун ёшларимизнинг юрт олдидаги йигитлик бурчини ўташга бўлган қизиқиш ва интилишлари тобора ортиб бормоқда. Юксак билим ва маҳоратга, маънавиятга эга бўлган наманганлик йигитлар ҳам миллий армиямиз сафларида бошқалар қатори намунали хизмат қилишга интиломоқдалар. Бунинг учун вилоятда, энг аввало, ҳарбий хизматга қақрилаётган ёшларнинг билими, жисмоний тайёргарлиги, ахлоқий-маънавий

қадриятларга эғалигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда эса маданият, спорт, санъат намояндаларининг, кенг жамоатчиликнинг роли беқиёсдир. Яқинда Наманган вилояти ҳокимлигида «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик қақируви резервидаги хизматга қақиришни амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида ўтказилган семинарда ҳам юқоридаги фикрлар алоҳида тилга олинди. Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов мазкур семинарда сўзга чиқиб, бу соҳада вилоятда амалга оширилаётган ишларга тўхталди.

— Вилоятимизда қақирилувчиларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш масаласини соҳага дахлдор муассасалар билан ҳамкорликда олиб бориш аълана тусига кирган, — дейди «Камолот» ЁИХ вилоят бўлимининг мутахассиси Марғубахон Ахролова. — Ҳудудий мудофаа ишлари бўлимларида бўлим бошлиқлари, жамоат ташкилотлари мутасаддилари, тиббий комиссия шифокорлари, «Камолот»чилар бу борада фаоллик кўрсатмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёшлар ўртасида ўтказилаётган спорт ва маънавий-маърифий тадбирларнинг ёшларга ватанпарварлик, жасурлик хислатларини сингдиришда самараси катта бўлмоқда. Яқинда вилоятда қақирикқача ёшлар ўртасида ўтказилган аънавий «Шунқорлар» беллашувида Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги 2-академик лицей йигитлари

иштирок этиб, иккинчи ўринни қўлга киритишди. Бу борада туманлардаги мудофаа ишлари бўлимининг хизматларини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Масалан, Мустаҳкам оила йилида Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган «Энг илғор мудофаа ишлари бўлими» республика танловида Чуст тумани мудофаа ишлари бўлими биринчи ўринга лойиқ топилди.

\*\*\*

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг тантаналар мажмуасига давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, ота-оналар, ёшлар йиғилишди. Бу маросим мазмун-моҳияти жиҳатидан бошқаларига сира ўхшамайди: юзлар ичидан сараланган мард ўғлонлар, миллатнинг қалби қайноқ йигитлари Ватан ҳимоясига отландилар. Кўзлари ёниқ, қалблари уйғоқ, нигоҳлари теран... Уларнинг ҳар бирини бағрингизга босгингиз, пешонасидан ўпиб: «Болажоним, Ватан тақдирини — сенинг тақдиринг. Сен унга кераксан!» дегингиз келди.

Вилоят ҳокими, мудофаа кенгаши раиси Баҳодир Юсупов тантанали маросимни очиб, Республикамиз Қуролли Кучлари тизимида мустақиллик йилларида рўй берган ислохотлар, ҳар томонлама такомиллашган миллий армиямиз ҳақида сўзлади. Қақирилувчиларнинг ота-оналари ҳам сўз олишиб, фарзандларини юрт олдидаги шарафли бурчларини адо этишга, мардлик намуналарини кўрсатишга қақирдилар.

**Дилбар АСКАРОВА,  
«Turkiston» мухбири**

Hademay mutaxassis bo'lishadi

## Янги педтехнологиялар амалда

**Шахрихон саноат ва транспорт касб-хунар коллежида айна пайтда 1130 нафар ёш таълим олади. Уларга етмиш нафардан ортиқ устозлар олти йўналишда касб ва хунар сирларини ўргатяпти.**

Коллежда илғор педагогик технологияларни жорий этиш, таълим самардорлигини ошириш бўйича қатор ишлар қилиняпти. Бу борада шахс ва жамият фани ўқитувчиси Ҳафизахон Акбарова, математикадан Ёқубжон Қобулов, инглиз тили фани бўйича Назоқатхон Раҳмонова ва рус тили фанидан Тўлқинжон Қосимов каби тажрибали устозларнинг интилишлари бошқаларга намуна қилиб кўрсатса арзирли.

— Илғор педагогик технологияларнинг кенг жорий этилиши ўқувчиларнинг дарс жараёнида иштирокини оширишни назарда тутди, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўрин



босари Фарҳодбек Қаҳҳоров. — Бу усулларда дарсда, асосан, ўқувчи ҳаракатда бўлади. Мавзу бўйича муаммони ўзи яратади ва ўзи ҳал қилади. Шу билан бирга, мавзунини яхши ўзлаштиради. Ўқитувчи эса дарсни бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Ўқув юртида тажрибали устозларнинг интерфаол усуллардаги дарсла-

рини ўрганган ёш ўқитувчилар ҳам дарсни янада қизиқарли қилиш устида иш олиб боришяпти.

**Нодиржон ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири**

**СУРАТДА:** Физика фани ўқитувчиси Фарҳод Толипов электр ўлчов асбобларининг ишлаш принципини ўрганиш мавзусини тушунтиряпти.



# Аҳли фазл ва аҳли ҳунар мураббийси



Сардор Муллажонов олган сурат

9 февраль куни Алишер Навоий номли миллий боғ мумтоз шеърят мухлислари ва адабиёт муҳаббарини ўз бағрига чорлади. Буюк бобокалонимиз ҳазрат Навоий таваллуд топган сана муносабати билан давлат ва жамоат ташкилотлари, турли идора ва муассасалар вакиллари, таниқли ёзувчи-шоирлар, навоийшунос олимлар, ёшлар буюк бобомиз ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш учун ҳозир бўлди.

Бир маромда севалаб ёғаётган ёмғир остида соябон тутиб турган йигит-қизлар кўзларида улуг бобокалонимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром акс этиб турар, улар шунчаки тадбирда эмас, балки халқимиз тарихида, маданиятида ўчмас из қолдирган буюк сиймо қаршисида туришганини қалбан ҳис этишаётганди.

Кутлуғ санага бағишланган тадбир аввалида сўз олган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов Алишер Навоий ва у зот ижоди ҳақида сўз юритаркан, жумладан шундай деди:

— Ривоятларда айтилишича, Ер юзида баҳодир дунёга келса, қаддиқоқлар гумбураб, заминни ларзага келтираркан. Бизнингча, ҳазрат Навоий дунёга келганда, шеърят гулшанининг гўзал кўнғироғи нафис жаранглаб, оламни соҳир оҳанг чуллаган. Мана, неча асрларки, шу кўнғирокдан таралган мусиқий оҳанг ҳали-ҳамон дилларни мафтун этаётир. Бобомиз шеърятни ўз жозибаси, инсоний туйғуларнинг мукамал ифодаси билан ноёб санъат дурдонаси сифатида барча туркий халқлар учун алоҳида азиз ва қадрли бўлиб келмоқда. У зот асарларини ўқиган ҳар бир киши бугун дунё аҳлини ўйлантираётган, инсониятни мураккаб вазиятга солаётган барча масалаларга теран жавоб топади. Шу боис ҳам бобокалонимизнинг адолатпешалик, ҳалоллик, умуминсоний қадриятлар тараннум этилган асарларининг қадр-қиммати мудом ошаверади.

Алишер Навоий нафақат ижодий кенг-қамровлиги ва сўзга бойлиги билан издошларига юксак намуна бўлган диди нозик, мутафаккир шоир, балки инсонийлик фазилатларини ўзида мужассам этган, ёшларга, илм-маърифат аҳлига мурувват ва саховат кўрсатган даҳо

шахс ҳамдир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз «Бобурнома»сида: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай», дея айна ҳақиқатни ёзганди. Зеро, улуг шоирга замондош муаррихлар битикларида ҳам Алишер Навоийнинг бунёдкорлиги, илм-фан, санъат, ижод аҳлига ҳомийлиги, тараққийпарварлиги юксак эътироф этилади.

Мутафаккир бобокалонимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш маросимида иштирок этганлар Навоий ижодининг серқирралиги ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратиб, навоийшунослик борасида юртимизда олиб борилаётган илмий тадқиқот ва изланишлар, бобокалонимиз асарларининг ёшлар таълим-тарбиясида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритишди.

Тадбирда Алишер Навоийга бағишланган шеър ўқилди. Шунингдек, дунёга таниқли шахсларнинг бобокалонимиз ҳақида айтган таърифлари бир гуруҳ ёшлар тилида инглиз тилида янгради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов академик Воҳид Зоҳидовнинг ҳазрат Навоийга бағишланган монолоғини ўқиди. Буларнинг барчаси тадбирнинг шуқуҳли, файзли ўтишини таъмин этди.

— Нафақат ижодкор бўлишни кўнглига туккан, балки ўзини келажакда комил инсон сифатида кўришни ният қилган ҳар бир тенгдошимиз Навоий бобомиз асарларини, албатта, ўқиши ва ўқиши зарур, деб ўйлайман, — дейди ёш ижодкор Шавкат Муродов. — Мумтоз адабиётни ўрганиш, уни кўп муталаа қилиш кишининг маънавий оламини бойлатади, эътиқодини мустаҳкамлайди, уни инсонпарварликка, эзгуликка йўллайди.

Кўнгилларга кўтаринкилик бахш этган, руҳий-маънавий кўприк ҳосил қилган адабий суҳбат якунида авлодлар эҳтироми рамзи сифатида Алишер Навоий бобомиз ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Сўз илми даҳоси хотирасига бағишланган газалхонлик ва мушоира байрами Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида давом этди.

**Хайридин МУРОД,**  
**«Turkiston» муҳбири**

## Маънавий барқарорлик кушандаси

(Давоми, боши 1-бетда)

Ҳозирги кунда маънавий барқарорлигига путур етган мамлакатларда ижтимоий парокандалик рўй бериши, ўзаро ғоявий курашлар келиб чиқиши, бунинг оқибатида эса сотқинлик, айғоқчилик, бебурдлик каби иллатлар тобора авж олаётгани айна ҳақиқат. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ҳам диннинг давлатдан ажратилганлиги белгилаб қўйилган. Республикаимизда бу талабга қатъий риоя қилиш, диний ташкилотларнинг эркин фаолият олиб бориши учун барча шароитлар яратилган. Шу билан бирга, давлатимиз томонидан диний ташкилотларнинг фаолияти қўллаб-қувватланмоқда. Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади.

Миссионерлик эса, маънавий барқарорликка жиддий таҳдид солади. Унга қарши курашда бу ҳаракат иштирокчиларининг мақсад ва ниятларини, қўллайдиган услубларини яхшилаб ўрганиб чиқиш, улар илгари сураётган даъволарнинг илдизларини чуқурроқ таҳлил этиш лозим.

Бу борада бизнинг Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам талаба-ёшларнинг миссионерлик ва прозелитизм ғояларига қарши мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш борасида қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Йил давомида Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита мутахассислари иштирокида бу маънавий таҳдиднинг олдини олиш борасида қатор давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

**Сарвар САИПОВ,**

**Тошкент темир йўл муҳандислари институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи**

«Kamolot» loyihalari

Буюк шоир ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишлаб «Kamolot» ЁИХ Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан «Навоийни англаш» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

## Шоир ному барҳаёт

Тадбирда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва мактаб ўқувчилари иштирок этишди. Даставвал улар шаҳардаги Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида ўрнатилган бобомиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди.

Тадбирнинг маънавий-маърифий қисмида Самарқанд давлат университети доценти И.Сулаймонов ёшларга Навоийнинг болалиги ва ижоди тўғрисида сўзлаб берди. Шундан сўнг «Сабъаи сайёр» достони асосида тайёрланган сахна кўриниши намойиш этилиб, ўқувчилар шоир қаламига мансуб ғазал ва рубоийлардан парчалар ўқишди.

— Навоийхонлик тадбирлари ўқувчи-ёшларни Навоий бобомиз ижодини кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишга ундайди. Шу орқали уларнинг маънавиятини оширишга эришяпмиз, — дейди «Kamolot» ЁИХ Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Қобилов.

Тадбир давомида ўқувчилар ўртасида Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича викторина ҳамда мушоира ҳам ўтказилди. Топқир ва зукко иштирокчиларга Ҳаракатнинг шаҳар



кенгаши томонидан «Хамса» достони ва Ойбекнинг «Навоий» романи китоблари совға қилинди.

— Мен «Навоий ижодидан мушоира» ўйинида катнашиб, етти нафар иштирокчи ўртасида голиб бўлдим, — дейди Самарқанд шаҳридаги 14-мактабнинг 9-синфида ўқийдиган Малика Абдуҳақимова. — Бугунги тадбирда Навоий бобомиз ҳақидаги кўплаб маълумотларни, бобомиз китобсевар ва илмга ташна инсон бўлганликларини билиб олдим.

Ҳаракатнинг шаҳар кенгаши томонидан навоийхонлик тадбирлари давом этмоқда.

**Дилшод БЕКҲУЛОВ**

## Hududlardan mujdalar

НАВОИЙ

**Ўтган йилнинг бошларида «Kamolot» ЁИХ Зарафшон шаҳар кенгаши бошчилигида республикаимизда «KVN.UZ-Markaziy ligasi» ўз фаолиятини бошлаган эди.**

Яқинда Зарафшон шаҳрида «KVN.UZ-Markaziy ligasi»нинг «Бир бир жамоамиз» шиори остида иккинчи мавсумига старт берилиб, янгидан-янги жамоаларни лигага чорлади ва унинг очилиши муносабати билан фестивал бўлиб ўтди.

Унда Зарафшон шаҳрининг «Adnamok», Зарафшон академик лицейининг «Smayl», саноат касб-ҳунар коллежининг «Lider», «Ideal», «Andisha», «Beshbarmoq», «Zo'r-zo'r» ва тиббиёт коллежининг «Doktor-shou», 13-мактабнинг «Markaz» ҳамда 1-мавсум чемпионлари «Gap yo'q», «Toytou» ва «Universal» жамоалари, шунингдек, Навоий шаҳрининг «Navoiylik sovchilar» жамоаси қатнашди. Улар ўзининг ажойиб сахна кўринишлари билан томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Фестивалнинг иккинчи кунида «KVN.UZ-Markaziy ligasi»нинг бир йиллиги муносабати билан катта шодиёна ва кулги кечаси бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**Ҳаракатнинг Бўка тумани кенгаши ташаббуси билан касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирокида «Ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг ривожлантириш» мавзуида учрашув ўтказилди.**

Туман агроиқтисодиёт ва агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган ушбу тадбирда туман ҳокимлиги, тижорат банклари, тадбиркорликни рўйхатга олиш инспекцияси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, туман солиқ инспекцияси ходимлари иштирок этишди.

Учрашувда коллеж битирувчиларига туман тижорат банклари томонидан кам фоизли кредитлар, кредитларни олиш учун бизнес лойиҳа тузиш, лойиҳаларни амалга ошириш, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда солиқ тўғрисида зарур маълумотлар берилди. Тадбир давомида ёшларни қизиқтирган саволларга мутасадди ташкилотлар вакиллари атрофлича жавоб беришди.



# Етмиш ҳунарли йигитлар

Этибор қилган бўлсангиз, кейинги пайтда республикамызда ўтказилаётган кўрик-танловларнинг тури кўпайиб, мавзулари кенгайди. Кўрик-танловларнинг ранг-баранглиги, хилма-хиллиги, маънавий ҳаётимизга ўзгача мазмун олиб кираётганлиги рост. «Балли, қизлар!»га ўхшаш танловларга ўрганган кўзимиз эндиликда «Ўзбегим ўғлонлари»га ҳам кўникаётганлиги қувонарли. Қизлардаги латофатлилик, моҳирлик, нозикликни баҳолашга қодир ақлу шууримиз йигитлардаги абжирликни, кучлиликни, билимдонликни ҳам кўра олади, ахир.

Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номидаги драма театрида Жиззах политехника институти ташаббуси билан «Ёшлар» телерадиоканали ҳамкорлигида бўлиб ўтган «Ўзбегим ўғлонлари» тадбири кўпчиликда ана шундай фикрларни уйғотди, десак, адашмаймиз. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган етти ўғлон — Холмўмин Сатторов, Турсункул Маматов, Отамурод Исакулов, Элдорхон Эсонов, Иномжон Ҳосилбеков, Мақсудбек Жангиров, Зафар Холбоев Жиззах политехника институтида таҳсил олади. Улар дастлаб гишт териш шарти бўйича баҳслашди. Тўғри, йигитларнинг гишт териш, Жиззах отчопарида чавандозлик, автосозлаш маҳорати, ошхонадаги пазандаликлари бир кун олдин видеотасвирга олинган эди. Театрда ана шу ҳаққоний тасвирлар томошабинларга намойиш этилди. Томошабинлар йигитларни от устида кўриб жуда завқ олишган бўлса, ҳамир қориб, тандирда жиззахча сомса ёпишганлигини кўриб хайратланишди, албатта. Йигит кишига етмиш ҳунар



оз, деймиз. Танловдаги шартлар барчаси йигит кишининг ҳаётида учрайдиган ҳолатлар билан боғлиқ. Касбий маҳорат синовида ўғлонлар машина баллонларини чаққонлик би-

лан алмаштиришди. Яна бир ҳолат — шундай қутилмаган вазият бўладик, йигитнинг рафиқаси уйда бўлмаганда, болаларни кийинтириб, боғча ёки мактабга кузатиш керак бўлади. Танлов мутасаддиларининг шу вазиятни ҳам ҳисобга олишгани танлов шартларининг ҳаётийлигини таъминлаган.

Етти ўғлон 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари бўлимиш етти болакай билан саҳнага чиқиб келганда залда гулдурос қарсақлар янгради. Шарт шу эдики, болаларнинг



кийимини алмаштириш. Кимдир олдин, ким кейин кийинтириб бўлди. Шарт сўнггида болаларга турли ўйинчоқ совғалар тақдим қилинди. Шундан сўнг йигитлар тош кўтариш мусобақасида ҳам фаол ҳаракат қилишди.

Айниқса, йигитлар томонидан тадбир сўнггида «Дилхирож» рақси ижро этилиши тадбирга ўзгача шуқуқ бағишлади. Танловда Зафар Холбоев мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

— Бундай тадбир институтимызда тез-тез ўтказиб турилади, — дейди Жиззах политехника институти «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилот итақчиси Ориф Шукуров. — Бизда кўпроқ йигитлар таҳсил олади. Шунинг учун шу номдаги танловни анчадан

бери ўтказишни режалаштириб юргандик. Менимча, тадбиримиз томошабинларга ҳам маъқул бўлди. Энг қувончлиси, ушбу тадбиримиз «Ёшлар» телерадиоканалида кўрсатув сифатида намойиш этилади. Шуни ҳам айтишим керакки, тадбирларни ўтказишимизда институт ректори Эргаш Солиевнинг маънавий-моддий кўмагидан ҳам жуда хурсандимиз.

Тадбирга ташриф буюрган «Нихол» мукофоти совриндорлари — Дилдора Қурбонова, Фарҳод Қамбаров, Дилшод Али каби ёш хонандаларнинг куй-қўшиқларидан томошабинлар бир олам завқ олишди.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
**«Turkiston» муҳбири**

## Kun mavzusi

Алишер Навоий номидаги санъат саройида Дин ишлари бўйича қўмита ташаббуси билан қизларни эрта турмушга бериш ва норасмий никоҳнинг олдини олиш, шунингдек, соғлом авлод тарбиясига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Муслмонлари идораси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази вакиллари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

## Ҳунарлининг турмуши обод

Тадбир аввалида иштирокчилар юртимизда баркамол авлод тарбияси, иқтидорли ёшлар ва ёш оилаларга ҳар томонлама қўмақ бериш борасида яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритишди. Шунингдек, қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш, оила қуриш олдидан ҳар бир вояга етган йигит-қиз касб-ҳунар ўрганиши, ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлиши мустаҳкам оила ва соғлом генофонд кафолати экани хусусида асосли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Баъзи ёшларнинг ҳаёт синовлари олдида тушкунликка тушиши, турмуш қуришга руҳан тайёр эмаслиги, норасмий никоҳлар оилалар мустаҳкамлигига раҳна солаётгани ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди.

Шундан сўнг мавзуга доир «Тўлин ой қиссаси» бадиий фильми иштирокчиларга намойиш этилди. Отанинг қизи тақдирига бефарқлиги, уни турмушга эрта узатиши туфайли вужудга келган мураккаб вазият ҳақида ҳикоя қилувчи фильм ёшларда эрта оила қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида муайян фикрларни ҳосил қилди.

**Хайриддин МУРОД,**  
**«Turkiston» муҳбири**

## Tashabbus

## Ўқиш эмас, уқиш муҳим

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Мутолаа маданияти» мавзусида видеоконференция ташкил этилди.

Айни пайтда республикамыздаги барча олий таълим муассасалари оптик толали юқори тезликдаги миллий электрон таълим тармоғига уланган. Бу улар иштирокида мунтазам равишда видеомулоқотлар ўтказиш имконини бермоқда. Навбатдаги мулоқот «Китобхонлар байрами» маданий-маърифий тадбирлар доирасида ўтказилди.

Айтиш жоизки, «Китобхонлар байрами» маданий-маърифий тадбирлар лойиҳаси юртимизда китобхонлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, олий таълим тизимида илк маротаба амалга

оширилмоқда. Мазкур ташаббус Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти педагогик жамоаси томонидан илгари сурилди. Видеоконференцияда сўзга чиққан институт профессор-ўқитувчилари мутолаа маданиятининг ёш авлод тарбиясида туган ўрни ҳақида маърузалар қилишди.

— Ёшларга китоб ўқишигина эмас, ўқиб ўқишни ҳам ўргатмоқ зарур, — деди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Бахтиёр Сайфуллаев. — Зеро, мутолаа маданияти инсон маънавиятини юксалтирувчи муҳим омилдир. Шунингдек, ёшлар фақат ўз мутахассислигига оид ўқув ёки илмий адабиётлар билан чекланиб қолмасдан, бадиий асарларни ҳам кўп мутолаа қилишлари лозим. Шу мақсадда биз Ўзбе-

кстон миллий университети ҳамда Тошкент давлат педагогика университетидаги ҳамкасбларимиз билан бирга талабаларга тўрт йил давомида ўқишга тавсия этилувчи бадиий адабиётлар рўйхатини шакллантирдик. Бу рўйхатни барча олий таълим муассасаларига тавсия этиш кўзда тутилган.

Видеоконференция давомида Фарғона, Самарқанд, Наманган давлат университетларидан ҳам профессор-ўқитувчилар мавзуга доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Қолган олий таълим муассасалари вакиллари: ректорлар, проректорлар, факультет деканлари, магистрантлар ҳамда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари етақчилари мулоқотни тўғридан-тўғри кузатиб боришди.

Видеоконференцияда

Бухоро давлат университети студиясидан туриб қатнашган олий ва ўрта махсус таълим вазири Баҳодир Ҳодиев ёшларда мутолаа маданиятини шакллантиришда педагогларнинг масъулияти, айниқса, юқори эканини таъкидлади.

— Китобни мажбурлаб ўқитиш педагогикада энг нотўғри йўлдир, — деди Б.Ҳодиев. — Аксинча, ўқитувчи болада китобга табиий қизиқишни уйғота олиши даркор. Китобхонликни рағбатлантириш ҳам жуда яхши натижага олиб келади. Масалан, гуруҳларда талабаларга илмий адабиётлар таҳлилини қилдириш, шу асосда тайёрланган энг яхши презентациялар танловларини ўтказиш мумкин.

**Наргиза БАҲОДИРОВА,**  
**«Turkiston» муҳбири**



Улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз.

**Ислом Каримов**  
**(«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан)**

# Ёшликни арзон туйғуларга бой бермайлик

14 феврални жуда кўп юртдошларимиз, айниқса, адабиётнинг чин мухлислари соғиниб кутади. Бу — буюк аждодимиз, таърифи қанча сўз айтсак ҳам камдек туюлаверадиган бетакрор шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд куни эканини ҳамма билади. Бу кунда шеърхонлик, ғазалхонлик кечалари ўтказилади, Бобур ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлар дилда ёқимли туйғуларни уйғотади. Улардаги соғинч, севги нолалари юракнинг нозик торларини чертса, самимиятнинг энг баланд чўққисидан туриб битилган, бадиий жиҳатдан юксак, ёмби мисралар бизни ҳайрат бўстонида етаклайди. Қисқаси, бу кун жуда кўпчиликнинг наздида фақат адабиёт ва санъат байрами ҳисобланади. Аммо...

## БЕТАЙН «БАЙРАМ»

Ана шундай кайфият, адабий-бадиий руҳни тўсатдан кимнингдир гапи бир бўлса асалга бир томчи қорамойни солгандай бузади:

— 14 февраль — авлиё Валентин куни! Севишганлар байрами!

Бу гапни умуман лоқайдлик билан, мисол учун, «14 февраль авлиё Валентин куни эмишми-и?» ёки «Севишганлар байрами эмишми-и?» тарзида ҳам айтиш мумкин. Бироқ ҳеч қандай фарқсиз равишда иккала ҳолатда ҳам неча минг соппа-соғ асаб ҳужайрангизга шикаст этади.

Этибор бермаслик мумкин. Ай, нодонлар, эси йўқлар ўз димоғини ўзи чоғ қилиб юрибди-да, юраверсин, дейиш ҳам мумкин. Лекин улар орасида ўзингизнинг жигарингиз, дўстингиз, укангиз, синглингиз, яқин инсонингиз ҳам бўлмайди, деб қафолат беролмайсиз-да.

Қизиқ, тенгдошларимиз, ука-сингилларимизни ўзига шунча мафтун этган «севишганлар куни»нинг тарихи қандай ўзи? У ўтмишда балки энг яхши одамлар, буюк ва доно зотлар томонидан нишонланиб келингандир-у, биз — замондан ортда қолган омилар беҳабар қолгандирми? Эҳтимол, бу «муборак айём»ни нишонлаш савоб бўлиши, уни нишонлаганлар икки дунёда бахт-саодатга эришиши, мурад-мақсадига етиши ҳақида қандайдир ваъдами, кўрсатмами, даъватми бордир, биз саводсизлар уни ўқимай-билмай, беқордан-беқор инкор қилиб юргандирми? Қилни қирқ ёрадиган олимлар, ўтмиш илмини сув қилиб ичиб юбор-

ган муаррихлар ҳам хануз бу сананинг тарихига оид изланишларини балки давом эттираётгандирлар. Аммо у зотларнинг ҳозиргача топган, аниқлаган маълумотларини қайта-қайта ўқисангиз ҳам, заррабин билан кузатиб чиқсангиз ҳам, бу сананинг «муқаддас»лигига атиги ишора қиладиган белгини тополмайсиз. Топганингиз бу сана билан боғлиқ фахш ишлар, бузуқликлар, сассиқ хотиралар, эшитганда ижирганиб кетадиган воқеалар бўлади. Улар ҳам жуда чалкаш. Миш-миш гаплар, десак, ҳаққимиз кетади, улар миш-мишдан ҳам баттар нарсалар. Кимдир авлиё Валентин чиндан ҳам авлиё бўлган, табиблик қилиб, умрини савоб ишларга сарф этган, деса, яна кимдир унинг аллақандай Жулиями, Хулиями деган қизни севиб қолганини айтиб, сўнг нима сабабдандир император уни ўлимга маҳкум этган, дейди. Умуман, буларнинг барчасига ишондик ҳам дейлик. Бироқ унинг номи билан боғлаб севишганлар кунини ташкил этиш, нишонлашга бу воқеалар нечоғлик асос бўлиши мумкин?

Тарихий ҳужжатлар «Авлиё Валентин куни»нинг гоҳ нишонланиб, гоҳ нишонланмай, гоҳ тан олинми, гоҳ тан олинмай келаётганини тасдиқлайди. Мисол учун, айтишларича, бешинчи асрда Рим папасининг ўзи бу санани церковнинг муҳим байрамлари рўйхатига киритган экан. Бироқ асрлар ўтиб яна бир Рим папаси бу байрамни ўша муҳим рўйхатдан учиртириб ташлашга фармон беради. Бунга ўхшаш бошқа воқеалар ҳам кўп. Дейлик, унинг пайдо бўлишини бир гуруҳ тадқиқот-

чилар Қадимги Римда нишонланган фахш фестивалига боғлиқ эканини айтишади. Бу гаплардан шундай хулоса яшаш мумкинки, бу байрам, агар байрам дейиш мумкин бўлса, худди ота-бобоси номаълум, баайни насл-насаби ноаниқ бўлиб дунёга келган кимсага ўхшайди. Бундан бошқа «нафисроқ» сўз тополмаганим учун уэр сўрайман, аммо ҳақиқатан ҳам шундай-да. Байрамнинг жамоатчилик томонидан тан олинган асл тарихи, ижтимоий пайдо бўлиш сабаблари аниқ бўлмагандан кейин; турган-битгани «ундай бўлган экан, бундай бўлган экан» деганга ўхшаш кўчадаги пистафурушларнинг тахминий, ўшак гапларига асосланганидан кейин, бошқа яна нима деб таъриф берса бўлади, айтинг?

Йўқ, мазкур сана мутлақо бемаъни, уни нишонлаганларни маънавий завога тортиш керак, демокчи эмасми. Зеро, унинг нишонланишида сираям бемаънилик йўқ. Аксинча, бу байрам кўп хорижий фирма ва компаниялар учун даромад келтиради. Гапимизни исботлаш учун «Фалон фирма 15 февраль куни ўзининг молиявий ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра...» қабилда далил келтироқчи эмасми. Бизда аниқ рақам ҳам, факт ҳам йўқ. Лекин оддий ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

«Севишганлар куни»да йигитлар қизларга юмшоқ ўйинчоқ совға қиладди. Қизлар эса йигитларга орасига ишқий мактуб солиган махсус откриткалар беради. Шукрки, ҳозирча мамлакатимиз ноширлари томонидан бундай бемаза ишга қўл урилгани йўқ. Откриткалар чет элники. Юмшоқ ўйинчоқлар эса ҳар хил, орасида ўзимизда ишлаб чиқарилганлари ҳам, хорижники ҳам бўлади. Математик билими билан мақтана олмайдиган мендай одам ҳам тахмин-фараз билан ҳисоблаб чиқишни билади. Ўша откриткалар савдосидан ҳам миллиардер бўлиш мумкин. Бу — масаланинг молиявий томони. Улардаги суратлар, рамзлар (масалан, биттасида қип-яланғоч, қанотли боланинг сурати бор, «Купидон» дейишармиш) табиийки, бегона гоғларга, эҳти-

молки, аллақайси миссияларга хизмат қиладди. Хўш, ундан келаётган ютуқни нима дейиш мумкин? Кўраёписми, бу «Валентин куни» деганлари кимларга қандай манфаатларни келтироқда?..

Афсуски, бу ҳақда барчамиз ҳам жиддий ўйлаб кўрмаётгандаймиз.

## «КИМДА КИМНИНГ КЎНГЛИ БОР, КЎЯВЕРИНГ ЎЙНАСИН»МИ?..

Автобус, кўча-кўй, мактаб, коллеж, университет, истироҳат боғлари, кинотеатрлар гавжум. Ҳаммининг ўз мақсади бор. Қайси бир тенгдошимизни кўлида китоб ушлаб ўриндикнинг ўзида ухлаб кетаётганини кўриб қоламиз. У ё магистратурада ўқийди, ё омади келмаётган абитуриент, деймиз. Унинг мақсадли ташвиши бор. Бу кўриниб турибди. Эҳтимол, «зачётка»ларни пулсиз ёпишни ўйлаётган оддий талабадир. Ота-онасидан келган пул яшашидан ортмаётгандир. Яна бир қиз, ана, телефонда узоқ гаплашди. Кўнғироқ қилган онаси шекилли, қиз гаплашаётиб, хавотир олманг, қўйналаётганим йўқ, семестрни бешга ёпдим, бешлик стипендиям ўзимга етади, деб кўйди. Демак, унинг ҳам аниқ мақсади бор. Яхши ўқийди, унинг тимсолида келажакни кўрасиз. Аммо шулар қаторида дунёнинг бутун ўйташвиши бир қизнинг эътиборини қозониш, деб билади шекилли, зўр бериб ўзини шўх-шодон, «шустрий» кўрсатишга уринаётган, ҳазил қилишни ҳам тузукроқ эпломмайди чоғи, тили ожиз келганда вақти-вақти билан қўлини ҳам ишга солиб турган йигитни ҳам кўрасиз.

Китобхон акалардан бири айтиб берган воқеа мени ўйлантириб қўйди. Тошкентдаги энг катта кутубхоналардан бирига бориб тураман, дейди у. Бир-икки марта эмас, уч-тўрт марта бир йигит билан қизни кутубхонада кўрдим. Иккаласи ҳам китоб олиб менинг орқамдан жой олади. Ҳа, китобхон талабалар экан, деб ўйладим аввалига. Аммо кейин билсам, улар китобни очиб ҳам қарашмас экан. Пичирлашиб, гоҳида овоз чиқариб сўзлашишларидан, баъзан, қизнинг «қиқир-қиқир» кулишидан уларнинг оддий китобхон эмаслигини пайқадим. Тажанглигим тутиб, гапирдим ҳам. Шунда қиздан: «Амаки, китобингизни ўқисангиз-чи, биз билан нима ишингиз бор?» деган жавобни эшитдим. Хайрият, йигит ҳаёлироқ экан, уэр сўради. Ишонсанми, уларни бир ойдан бери кутубхонада кўрмадим, дея ҳикоясини тутатди у.

Вазият шундайки, бу ерда на кутубхона, на таълим муассасаси айбдор. Нима, кутубхона ходимлари ҳар бир ёш китобхонни тўхтатиб, бу ерга нима мақсадда келаяписми, деб сўроқ қилиши керакми? Ёки кинотеатрлардаги аҳволни қаранг. Йигит-қизлар, одатда, энг орқа ўриндиклардан жой эгаллашади. Нима, фильми узоқдан томоша қилинг, акс ҳолда, кўриш қобилиятингизга зарар қилиши мумкин, деган окулист кўрсатмаси билан кинога тушади, деб ўйлайсизми уларни? Ҳарқалай, ақлли инсонларнинг хай-ҳайлаши билан айрим истироҳат гўша-

ларидаги аҳвол бир мунча ижобий томонга ўзгарди. Эҳ-ҳе, бўлмаса... Ёки яна бир ҳолат. Бир давр келдики, севги изҳорларининг радиоварианти шунчалар авж олдики, барака топиб, бола-чақаларининг роҳатини кўрсин, санокли давлат радиоканалларидан бошқа барча радиоканалларда SMS-дилизҳорларни ўқиб эшиттириш авж олди. Тунги телефон кўнғироқлари, овозидан эҳтирос барқ уриб турган қизларнинг оташи сўзлари эфирга узатилган ҳоллар ҳам бўлди. Бироқ яхши, иймон-этиқоиди бутун, инсофли кишилар уларга: «Ҳой, нимани эфирга бераётганларининг ўзларинг тушунаяписизларми?» дейишди шекилли, бу афсусли ҳолатларга деярли барҳам берилди ва ҳамон уларга қарши кураш давом этапти.

## ВОЗ КЕЧИШ АЗОБМИ ЁКИ РОҲАТ?

Ҳаётда кишининг ўзи тўғри деб билган йўлдан қайтиши жуда оғир. Ишончим комил, ўша кўча-кўйда каттаю кичикни одам демая, уларнинг олдидан бемалол қўлтиқлашиб юрган, беҳаёларча кийиниб, сузилиб, «хириг-хириг» товуш чиқариб лаллайиб юрган йигит-қизлар ўзларининг хатти-ҳаракатларини нотўғри деб билишмайди. Масалан, ёшликка борибми, қизишибми, айрим курсдошларимизнинг юриш-туришини танқид қилганимизни эслайман. Улар нима деб жавоб беришарди, айтимай? «Кўн-гил тўғри бўлиши керак, мавлоно!», дейишарди кулиб. Уларнинг наздида «кўн-гил тўғри бўлса», бўлди. Билишадик, уларнинг кўнглини ҳеч ким очиб кўрган эмас, кўра олмайди ҳам... «Страховка»нинг мукамаллигини кўраёписми?

Ҳа, ҳеч ким ўзининг фикрини нотўғри деб ҳисобламайди. Дунёдаги энг қийин иш, эҳтимол, бировнинг фикрини ўзгартиришдир. Дейлик, ўша айрим тенгдошларимизнинг ҳам фикрини ўзгартириш осон эмас. Бунинг сабаби нима? Бу ҳақда мулоҳаза қилар эканми, яна ва яна бир бор оиладаги тўғри тарбиянинг қанчалар зарурлигига амин бўламиз.

Сиз ҳам кузатган бўлишингиз керак, шундоқ ҳам бу маълум гап: масалан, мен оила-сида ота-онаси этиқодли, зиёли, яхши одамларнинг фарзандларини кўча-кўйда ялло қилиб юрганини ҳали кўрмадим. Кўчага чиқинг-у, эринмасангиз, ана шундай оилада камол топган исталган ёшани тўхтатиб, Валентин куни ёки «оммавий маданият»нинг бирор кўриниши ҳақида фикрини сўранг, камида ичида ижирғанади.

Хўш, ўзининг нотўғри йўл тутаётганини билмаётган, севги-муҳаббат у ўйлагандан кўра анчайин муқаддас ҳис-туйғу эканини англаб етмаган йигит ёки қизнинг фикри қандай бўлиши мумкин? Ўйлайманки, буни тасаввур қилиш сизга қийинчилик туғдирмайди.

Менимча, ўшаларнинг оила-сида ҳам «Авлиё Валентин куни» зўр тантана билан нишонланса керак.

**Элмурод НИШОНОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**



# Тажриба турлича, мақсад бир

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилаётган янги изланишлар, илғор мактаблар тажрибаси таълим сифатини оширишда, баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, шаҳардаги 14- ва 15-мактабларда олиб борилаётган ўқитиш жараёнлари фикримизнинг исботидир.

## «УСТОЗ-ШОГИРД» АНЪАНАСИ

Шаҳардаги 14-мактаб шундоққина вилоят марказига кираверишдаги катта йўл бўйида жойлашган. Мактаб Умуммиллий дастурга биноан 2005 йилда капитал реконструкциядан чиқарилган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 86 миллион сўмлик маблағ эвазига спорт зали замонавий услубда таъмирланди. Айнан жамғарма ҳисобидан 31 миллион сўмлик спорт анжомлари олиб берилди.

Мактабни чиндан-да спортга ихтисослашган маскан, десак муболаға бўлмайди. Зеро, бу даргоҳда спортсоғломлаштириш ишлари, спорт тўғрисидаги яхши йўлга қўйилган. Олтита спорт тўғраги фаол иш олиб борапти. Саксон олти нафар ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланади. Мактаб ўқувчилари кўл тўпи, футбол, волейбол, шахмат-шашка мусобақаларида доимо пешқадам. Шаҳар ва вилоят биринчиликларида юқори ўринларни банд этиб келишяпти. Ўқувчиларнинг фан олимпиадаларидаги иштироки ҳам мақтовга сазовор. Хусусан, рус тили, биология, кимё, она тили ва адабиёт фанлари бўйича мактаб ўқувчилари вилоят босқичида қатнашадилар.

Ўтган йили мактабни 44 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, бу йил 45 нафар ўқувчи мактабни битириш арафасида. Айни шу кунга қадар битирувчи синф ўқувчилари ўртасида икки мартаба сўровнома ўтказилиб, ўқувчиларнинг касбларга қизиқиши аниқланди. Ўтказилган ота-оналар ва оталар йиғилишида мазкур сўровномалар натижалари, фарзандларининг касбий қизиқишлари уларга маълум қилинди. Айни чоғда учинчи сўровномани ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бунгача эса битирувчи синф ўқувчилари коллежларга боради.

Мактабда «Устоз-шогирд» аънаси яхши йўлга қўйилган. Қолаверса, яхши бир ташаббус қарор топган. Мактабнинг 5 — 8-синф ўқувчилари ўртасида уларнинг фанларга қизиқишини аниқлаш мақсадида ўзига хос сўровномалар ўтказилди. Ана ўша сўровнома натижаси асосида ўқитувчиларнинг ҳар бири ўқувчиларга устоз-мураббий сифатида бириктириб қўйилди. Устозлар ўзларига бириктирилган ўқувчиларни доимий назорат қилиб борадилар.

— Мактабимизда ҳар душанба кун умумий йиғилиш ўтказилади, — дейди ўқув тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, ёш мута-

хассис Ҳамид Отабоев. — Унда ҳар бир фандан юқори натижаларга эришган ўқувчилар бўйича бейжик тақиб қўйилади. Рейтинг бўйича ушбу бейжикни бир ой давомида бўйнида олиб юрган ўқувчининг ота-онаси номига маъмурият томонидан ташаккурнома юборилади. Мактабимизда ташкил қилинган ушбу аънава ўқувчиларни ўзига хос баҳс-мусобақага чорласа, иккинчидан, уларни янада яхши ўқишга рағбатлантиради.

Юқорида қайд этилган иш тажрибаси вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан қўллаб-қувватланиб, ҳозирда вилоят миқёсида омалаштирилган.

Мактабда ободонлаштириш ишига катта эътибор қаратилади. Мактаб ер участкасида боғдорчилик ҳамда полиз экинларини етиштириш бўйича ибратли тажриба тўпланган. Бундан ташқари, мактабда гулчилик тўғраги фаол иш олиб борапти. Мактаб гулхонасига кирсангиз, кўзингиз қамашади. Олам гулларининг барчаси ушбу гўшада мужассам бўлгандек гўё. Нима ҳам дердик, устозлар ўз ўқувчиларининг қалбида эзгулик ва яхшилик гулларини ўстириб бораётган бўлса, ажаб эмас!

## ТАЯНЧ МАКТАБ ИСТИҚБОЛИ

Шаҳардаги 15-мактаб ҳақида сўз кетганда гулистонликлар илиқ гапиришади. Зеро, ушбу мактаб халқ таълими муассасалари ичида ўзига хос таянч мактабга айланиб қолганлиги бор гап.

Албатта, жамоа ушбу мақомга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Унинг ортида катта меҳнат, тажриба ва маҳорат ётибди. Мактаб 2006 йилда давлат дастурига биноан капитал реконструкция қилинган, ундаги таълим бериш имкониятлари янада яхшиланди. Синфхоналар замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Замонавий спортзал, спорт майдончалари вужудга келди.

Ҳозирда бир минг саксон икки нафар ўқувчига олтидан зиёд ўз касбининг устаси бўлган маҳоратли ва тажрибали ўқитувчилар сабоқ беришади. Мактабда йигирмадан ортиқ фан ва спорт тўғрисидаги мунтазам ишлаб турибди.

Мактаб ўқувчилари фан олимпиадаларида, «Билимлар беллашуви»да доимо фаол. Чунончи, яқинда бўлиб ўтган фан олимпиадаларида география фанидан Сайёра Толипова, физика фанидан Гавҳар Тўраева, давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан Сарвиноз Мақсудалиева ўзининг зукколигини намойиш этиб, вилоят босқичига йўлланма олди.

Албатта, эришилган ушбу натижаларда ўқитувчиларнинг ўрни катта. Мактаб жамоаси илғор ўқитувчилардан Ирода Мирзакаримова, Юлдуз Маматкулова, Дилнавоз Аҳмедова, Комила Асқарова, Дилрабо Мисирова ва Икром Абдуғафоров билан ҳақли равишда фахрланади. Юқорида номлари зикр этилган устозларнинг янги педагогик изланишлари, касбий маҳорати вилоят миқёсида эътироф этилган. Илғор ўқитувчиларнинг вилоят малака ошириш институти билан тузилган

шартномаси ҳам бор.

Ушбу ўқув йилида мактабнинг тўққизинчи синфини 155 нафар ўқувчи тамомлайди. Ҳозиргача икки босқичда сўровномалар ўтказилиб, битирувчиларнинг қизиқиш ва истаклари ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Уларнинг касбларга қизиқиши қай даражада эканлиги (tashxis.uz) интернет сайтига ҳам киритилди.

Мактаб жамоаси томонидан уч мартаба ота-оналар ва бир мартаба оталар йиғилиши ўтказилди. Йиғилишларда ота-оналарга битирувчи фарзандларининг истак ва ҳошиялари, касбларга лаёқати атрофича таҳлил қилиб берилди. Ушбу ўқув йилида мактабни битираётган ўқувчилар тўғрисида «Солиштирмадалолатнома» ташкил қилиниб, ҳар бир битирувчининг маълумотлар базаси яратиб борилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, мактабда касбга йўналтириш ишлари куйи синфлардаёқ бошлаб юборилади. Жумладан, 5-, 6-, 7-синфларда она тили ва адабиёт дарсларида «Ким бўлсам экан?» мавзуида иншо ёзилади ҳамда ўқувчилар ёзган иншолар ҳар томонлама таҳлил қилинади.

Умуман олганда, ҳар икки мактаб тажрибаси қайсидир маънода ўрганишга арзийди. Ундан кутилган асосий мақсад ўқувчиларга мустақкам билим бериш, уларни тўғри касб танлашга йўналтиришдан иборат.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» муҳбири**

# Иқболи порлаган авлодмиз

Юртимизда биз, ёшлар учун кенг имкониятлар ва жаҳон талабларига мос шароитлар муҳайё қилинганини қанча такрор айтсанг, шунча масъулиятли, қарздор сезасан ўзингни, киши. Бу каби шароитлар биз, ёшлардаги янгида янги гоёлар, ижодкорлик ва ташаббускорлик шаклланиши ҳамда кенг қулоқ ёйиши учун замин ҳозирламоқда. Айниқса, бугунги кун ёшларининг салмоқли қисмини ташкил этувчи талабалар ҳаёти ва таҳсили мисолида бундай имкониятларни кузатиш қийин эмас.

Биз таҳсил олаётган университет юртимиздаги нуфузли таълим масканларидан бири. Унда тўлақонли таълим олиш, бой кутубхонадан, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш учун барча қулайликлар мурожат. Юртимизнинг олис гўшаларидан келган талабалар университетнинг талабалар тураржойида яшаб, ундаги имкониятлардан фойдаланади.

Эрта тонгдан университетга ҳар бир талаба ўз олдида қўйган мақсад ва масъулиятни чуқур англаган, хушёр, дарсларга тайёрланган, талаба номига муносиб кийинган ҳолда келади. Аудиторияларда юқори малакали, аксарияти илмий даражага эга бўлган ўқитувчилар дарс олиб боради. Ўқитувчи ва талаба муносабати алоҳида эътиборга молик бўлиб, бу муносабатларда низолар бўлиши деярли кузатилмайди.

Университет ҳаётига доир барча хатти-ҳаракатлар «Одоб-ахлоқ қоидалари» йўриқномаси асосида тартибга солинади. Унга кўра, университет ҳудудида, айниқса, аудиторияларда уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш маън этилган. Бундан ташқари, таълим маскани ҳудудида тамаки, алкоголь маҳсулотлар, психотроп воситалар истеъмоли қатъиян тақиқланган. Тушлик вақтида талабалар шинам ошхонада ўзлари ёқтирган таомларни ҳузурланиб истеъмол қилади. Ўтказилган сўровларга кўра, деярли юз фоиз талаба тенгдошимиз университетдаги шароитлардан мамнунлигини билдирган.

Дарвоқе, бир гуруҳ фаол ва ташаббускор талаба тенгдошларим «Камолот» ЕИХнинг университетимиздаги бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида «Камолот» радиосини ташкил этган.

Унда талабалар ҳаётига доир янгиликлар ҳамда ёшларбоп куй-қўшиқлар янграйди. Эфирга тайёрлаш давомида талабалар ўзларининг журналистик маҳоратларини ҳам шакллантириб борадилар.

Истеъдодли ҳар бир талаба ўз қизиқиши ҳамда танлаган илмий иши юзасидан университетимизнинг «Ёш олим», «Иқтидор» каби тўпламларида илмий мақола ва тезисларини чоп этириши мумкин. Бу мақолалар чоп этилган, ойлик илмий конференцияларда иштирок этиш учун йўлланма ҳисобланади. Конференцияда иштирок этиш иқтидорли талабаларнинг илмий изланишлари учун пойдевор вазифасини ўтайди.

Хорижий тилларни чуқур ўргатиш университет олдида қўйилган устувор мақсадлардан биридир. Бу борада ҳам бир қатор тадбирлар йўлга қўйилган. Масалан, хорижий тилларга қизиқиши баланд талабалар турли грант дастурларида иштирок этишлари, ёзги таътил давомида хорижда билим ва тажрибаларини оширишлари мумкин.

Университетимиз таржимон талабаларининг халқаро даражадаги тадбирлар ва спорт мусобақаларидаги иштироки ҳам кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилган. Жумла-

дан, Тошкент шаҳри мезбонлик қиладиган қатор мусобақаларда иқтидорли талабалар юртимизга келадиган меҳмонларга гид-таржимон сифатида кўмақдош бўлишади.

Умуман олганда, бизда ташаббускор, интилувчан, истеъдодли ёшлар кўп. Улар ҳар йили янгида-янги марраларни забт этмоқдалар. Жумладан, талабалар орасида Президент стипендиатлари, Навоий номидаги давлат стипендияси ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари кўплигидан фахрланамиз.

Таълим даргоҳимиз доирасидаги барча тадбирлар доим талабалар эътиборида. Уларда талабалар зўр иштиёқ билан иштирок этадилар. Тадбир иштирокчилари доимий тарзда рағбатлантирилади. Биз бундан руҳланиб, яна ҳам олдинга, янги марраларни эгаллашга интиламиз.

Бугун юртимизда яшаётган, таълим олаётган, касб-хунар ўрганаётган ҳар бир тенгдошим мен каби фахрланиб, кўкси ғурурга тўлиб гапириши, ёзиши мумкин. Чунки қилинган ишлар, амалда бор нарсалар, албатта, айтилади, ёзилади. Мақсадни бундан ҳам баландроқ қилсак, яъни ёзиш, айтиш билан чекланмай, бизга билдирилган юксак ишонччи оқласак, нур устига нур бўлур эди.

**Сайёра ЗУПАРОВА,**  
**ЎЗДЖТУ талабаси**



# Фарзандим шу коллежда ўқиса...

Mutaxassislik sari

Дардига шифо излаган бемор тажрибали, билимдон врачга учраса-ю, у буюрган муолажа вақтида ҳамшира ўқувсизликка йўл қўйса, бемор қандай аҳволга тушади? Кўнгли гашланади, дардига дард қўшилгандай бўлади. Агар ҳамшира муолажани вақтида, сифатли, хамирдан қил суғургандек амалга оширса, шак-шубҳасиз бемор унга: «Ўқитган устозингга раҳмат», дейди астойдил.



Тери ичига, тери остига, мушак орасига, вена ичига инъекция қилиш, вена ичига томчилатиб дори юбориш, чипец боғламини қўйиш, натрий бромид эритмасини тайёрлаш... Эҳ-ҳе, ҳамшира бажарадиган масъулиятли ва нозик амалларни санайверсак, адоғи йўқ.

Жиззах вилоятидаги Дўстлик, Мирзаўл, Пахтакор, Арнасой, Зафаробод каби туманлардаги даволаш-профилактика муассасаларига ўрта махсус маълумотли мутахассислар — малакали ҳамширалар тайёрлашга мўлжалланган Дўстлик тиббиёт коллежи ўқувчилари айни қизғин ўқиш, ўрганиш палласида. Хушвақт Раҳимов, Озода Худоева, Илҳом Анорбоев, Зоҳида Шербоева, Бекзод Намаев, Шерзод Бозорбеков каби тажрибали ўқитувчилар бераётган сабоқларни хотираларига муҳрлашмоқда. Айниқса, Дўстлик туман тиббиёт бирлашмасида, туман дорихоналарида ўтаётган амалий машғуллар ўқувчилар учун қизиқарли кечмоқда. Шу боисдан ҳам улар назарий дарслардан сўнг тиббиёт муассасаларига ҳам ошиқадилар. Ахир, улар ҳозир ўқувчи бўлишса-да, ярим мутахассис ҳисобланади.

Ўқувчилар бу билангина чекланиб қолишмайди. Коллеж маъмурияти томонидан ўтказиб туриладиган турли танловларда фаол иштирок этишади.

— Яқинда коллежимизда битирувчи ўқувчилар ўртасида «Қасб маҳорати» танловини ўтказдик, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шавкат Сайидқосимов. — Танлов жуда қизиқарли ўтди. Ўн етти гуруҳдан танлаб олинган ўн етти нафар ўқувчи барча шартларда фаоллик кўрсатди. Унда ўқувчи Шехроз Соипназаров мутлақ ғолиб деб топилди. Ушбу танловнинг латофатли иштирокчиси, иқтидорли иштирокчиси, чаққон иштирокчиси, моҳир иштирокчиси каби етти номинация бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, улар қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирланишди.

Албатта, битирувчилар ўртасида уларнинг қобилият ва интилишларини мақсадли ривожлантириш, тегишли билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш, касбий маҳоратини оширишга кенг имкониятлар яратиш энг зарур вазифалардан бири бўлиб қолди. Шу боис ҳам ўқувчиларнинг танлаган кас-

бий йўналишлари бўйича меҳнат бозорига тайёргарлик салоҳиятини оширишда, коллежлар билан олий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда ана шундай кўриктанловларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Ушбу таълим муассасида ҳамширалик иши, фармация, даволаш иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. 33300 китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази замонавий талаблар асосида жиҳозланган. Бу маскан ҳар доим ўқувчилар билан гавжумлигининг боиси шуки, АРМ барча зарур ўқув адабиётлари, компьютер, алоқа тармоғи билан таъминланган ва интернетга уланган. Ўқитувчилар томонидан тайёрланган матн ва маърузалар АРМга ёзма ва электрон тарзда топшириб келинади. 1040 нафар ўқувчи таҳсил оладиган ушбу коллежда йигирма тўққизта фан тўғараги фаолият кўрсатади.

Дўстлик тиббиёт коллежи вилоятдаги бошқа коллежлар ўртасида ўзига хос нуфуз ва обрўга эга. Ушбу коллежни турли йилларда тугаллаган 22 нафар ёш Германия, Греция, Арма-

нистон, Озарбойжон, Россия ва бошқа давлатларда фаолият олиб бормоқда. Улар ўша давлатларда ҳам илғор ва билимдонликларини намоён этишмоқда. Буни уларнинг иш жойларидан, раҳбарлари номидан келаётган миннатдорлик хатларидан ҳам билса бўлади.

Унча кўп бўлмади, ўтган йилнинг ноябрь ойи охирида коллеж жамоаси учун қувончли воқеа юз берди. «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» шiori остида вилоятда ўтказилган ёшлар фестивалида ушбу коллежнинг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Абдор Жуманазаровни вилоят ҳокими Сайфиддин Исмоилов «Энг фаол бошланғич ташкилот етакчиси» номинацияси ғолиби сифатида тақдирлади. Коллеждагилар бундан фахрланишди.

Жиззах вилоятида «Фарзандим Дўстлик тиббиёт коллежида ўқиса», деб ҳавас қиладиган ва шунга интиладиган оталар, оналар кўп. Бу бежиз эмас, албатта. Бу — коллеж учун катта ишонч, катта ифтихор дегани. Демак, коллеж ёруғ истиқболга юз бурган.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Эл хизматида

Оққўрғонлик Дониёр Пирназаров тажрибали ва айни пайтда ўз касбига меҳр қўйган шифокор-жарроҳлардан бири. Бир вақтнинг ўзида туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи сифатида кўпчилик эътиборидаги инсон.


Унинг раҳбарлик фаолияти давомида туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш маданияти тубдан яшилди, даволаш муассасалари янги, замонавий аппаратуралар билан жиҳозланди. Шифокорлик масъулияти ва кадрлар сифатига алоҳида эътибор қаратилди.

Бевосита Дониёр Пирназаровнинг сая-ҳаракатлари билан шифокорнинг иситиш тизими тубдан яшилди. «Олимпкент» ва «Ўзбекистон» қишлоқ врачлик пунктлари капитал таъмирланиб, қулай шарт-шароитлар яратилди. Акушерлик мажмуаси тўлиқ таъ-

мирдан чиқарилди.

Энг муҳими, бу ажойиб инсон ёш мутахассисларга ғамхўрлик кўрсатишда ўзига хос фазилатга эга. Ёшлар билан ишлашни, уларга қанот бағишлашни хуш кўради. Шунинг учун бўлса керак, қачон қараманг, Дониёр ака ёшлар даврасида. Уларнинг иш фаолиятини синчковлик билан кузатиб боради. Зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам кўрсатиб, маънавий қўллаб-қувватлаб туради.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**



### Кўчирмачи устозлар

Германия таълим вазири Аннетта Шаван диссертация ёзишда плагиатга гумон қилинди. У ўз ихтиёри билан истейфога чиқди.

1980 йилда Аннетта Шаван «Шахс ва виждон» («Person und Gewissen») мавзусидаги номзодлик диссертациясини Дюссельдорф университетининг фалсафа факультетида ҳимоя қилган эди. 2012 йилнинг май ойига келиб эса интернетда Германия таълим вазинининг илмий ишида кўчирмачилик борлиги ҳақида хабарлар тарқалди. Ушбу маълумотни текшириш мақсадида олий таълим муассасида махсус комиссия тузилди. Бир неча кун аввал эса фалсафа факультети кенгаши диссертацияни ҳақиқий эмас деб топди ҳамда Шаваннинг илмий даражасини бекор қилди. Собиқ таълим вазири эса ўзига қўйилган барча айбловларни рад этиш билан бирга, комиссия қарори устидан судга шикоят қилишини маълум қилган.

Бу воқеадан олдин собиқ муҳофаа вазири Карл-Теодор цу Гуттенберг, Эркин демократик партиясидан собиқ депутат Йорго Хатцимаркакиса, Европарламентнинг собиқ вице-спикери Сильвани Кох-Мерин ҳамда Маттиаса Прёфрока плагиатда айбланган ва илмий даражасидан маҳрум этилган эди. Айни пайтда Германияда кўчирмачиларни топишга бел боғлаган махсус сайт ишга туширилди.

### Хизматга яраша маош

Латвия давлат хизматчилари касаба уюшмаси раҳбари Андрей Йиргенсонс Латвиядаги ҳар ўнта амалдордан бири кам таъминланган сифатида рўйхатдан ўтганини айтиб ўтди.

Унинг сўзларига қараганда, ўрта таснифга кирувчи амалдорлар 230 лат маош олади. Мисол сифатида Ижтимоий суғурта агентлигини келтирадиган бўлсак, ходимлари тахминан 300 лат ойлик олишади. Айни вақтда мамлакатдаги ўртача ойлик 400 латни ташкил этади. Касаба уюшмаси вакилининг фикрича, кам таъминланган давлат хизматчиларининг сони бундан-да кўп, бироқ уларнинг ҳаммаси ушбу мақомни қайд этмаган. Икки миллиондан ортиқроқ киши истикомат қиладиган бу мамлакатда 2012 йилда 214 минг киши кам таъминланганлар қаторида эди. Бу тоифадаги кишилардан кўпчилиги Данияга кўчиб кетмоқда. Улар ичида Латвия полицияси ходимларини ҳам учратиш мумкин.

### Рекорд ўзгарди

Филиппинда дунёдаги энг йирик, яъни узунлиги 6,17 метр бўлган тимсоҳ совқотиб ўлди. Гиннеснинг «Рекордлар» китобидан жой олган бу тимсоҳ эллик йилдан ортиқроқ умр кўрган ва Лолонг лақабини олган эди.

Лолонг маҳаллий аҳоли эътиборини 2011 йилда бир кишини ва ўн икки ёшли қизчани еб қўйганида тортган эди. Бир тоннадан ортиқроқ бу тимсоҳ жасади музейда сақланиши мумкин. Унинг ўлимидан сўнг австралиялик Кассиус лақабли тимсоҳ биринчиликни эгаллади. Маълумотларга қараганда, унинг узунлиги 5,49 метрдан иборат.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**



